

## АЙЛАНМА КАПИТАЛ БОШҚАРУВИНИНГ АХБРОТ ТАЪМИНОТИ ВА ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Жўраев Хушвақтбек Ойбек ўғли**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси

[xushvaqtjurayev35@mail.ru](mailto:xushvaqtjurayev35@mail.ru).

### ARTICLE INFO.

**Калитли сўзлар:** акциядорлик  
жамияти, капитал,  
самарадорлик, инвестиция,  
фойда, айланма маблағ, актив.

### Аннотация:

Мақолада акциядорлик жамиятларида капитал самарадорлигини баҳолашдаги мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотнинг долзарблиги асосланган. Шу билан бирга унинг назарий ва амалий асослари ёритилган. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган акциядорлик жамиятларида капитал самарадорлиги ва уни самарали бошқариш йўллари кўриб чиқилган бўлиб, уни такомиллаштиришга доир хулоса ва тавфсиялар келтирилган.  
<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2024 LWAB.

### Кириш

Бугунги кунда глобаллашув жараёнлари тезлашиши оқибатида дунёдаги йирик инвестиция компаниялари ўз маблағларини ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига икки баробар кўпроқ йўналтириши, юқори суръатлар билан ривожланаётган мамлакатларнинг юқори тезликда иқтисодий ўсишидан далолат беради. Шу билан бирга, ривожланаётган мамлакатларда юқори даражадаги инвестиция оқимининг ўсиши натижасида, корхоналарнинг капиталлашуви, шаффофлик, ликвидлилик, ушбу корхонанинг молиявий ҳолатининг ўзгариши каби омиллар дунёдаги трансмиллий компанияларнинг капиталини самарали бошқариш жараёнини қийинлаштирмоқда. Жумладан, мамлакатимизда олиб борилаётган фаол инвестицион жараёнида йирик корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ушбу корхоналарни йиллик молиявий ҳисоботи халқаро андозларга мувофиқ равишда жорий қилиниши учун етакчи халқаро компанияларни жалб қилиниши, хорижий молиявий менежерлар томонидан корхоналарнинг капиталини самарали бошқариш зарурлигини намоён этади.

Ҳозирда акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришда мамлакатимизда кенг қамровли ишлар олиб борилишига қарамай, корпоратив тузилмалардаги капитални самарали бошқариш ва истикболдаги фаолиятини прогноз қилиш каби масалалар долзарблигича қолмоқда. Мазкур жараёнларни юқори даражада бошқариш нафақат корхона акциядорлари ёки мулкдорлари балки контрагентларни (молия муассасалари, инвесторлар, хорижий шериклар ва

ш.к.) учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ҳам жадал суръатлар билан инновацион ривожланаётган бир пайтда корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлаш, улар фаолиятига айланма капитал бошқарувида ахборот тизимларини жорий этиш орқали бошқарув фаолиятини самарали ташкил этиш вазифаси кўйилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «...иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига АКТни жорий этиш»[1] бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Республикамиз корхоналари айланма капитал бошқарувида ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш бўйича бир қанча қонун ва қарорлар қабул қилинган бўлса-да, бироқ, бошқарув жараёнларига корпоратив ахборот тизимлари асосида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва ресурсларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш каби муҳим масалалар долзарблигича қолмоқда.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Кўпгина тадқиқотчилар айланма маблағларни турли нуктаи назардан ва ҳар хил муҳитда ўрганишган. Таниқли иқтисодчи олимлардан Модиян ва Миллерлар капитал таркиби ва қийматини самарали баҳолашни ўрганиб, капитал таркибини шакллантириш тамойилларини изоҳлаб берган. Хусусан, олимларнинг фикрига кўра, капитал таркибини аниқлаш ва уни самарали баҳолаш реал иқтисодиётга таъсир қилувчи омиллар ҳисобланган солиқлар ва тушумлар, банкротлик, нобарқарор капитал бозори ва инфляция каби омилларни инобатга олмаган ҳолда капиталнинг самарали бошқариш ва капитал таркибини аниқлаш назариясига асос солинган [2]. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ф.Модиян ва М.Миллерлар назариясига кўра, капиталнинг оқилона таркибини аниқлашда, хусусан, хусусий капитал билан қарз капитали таркибини боғлиқлиги бўйича бир қатор масалаларини кўриб чиқилади. Шуни таъкидлаш жоизки, Ф.Модиян ва М.Миллерлар назарияси орқали асосан компаниянинг капиталининг самарали бошқаришга таъсир қилувчи омиллар, шу ўринда, капитал қиймати, компаниянинг фойдаси ва компаниянинг қиймати каби омилларни инобатга олган ҳолда компаниянинг капитал қийматини аниқлаш ва уни самарали бошқаруви бўйича бир қанча хулосалар берилган.

Шу ўринда, яна бир иқтисодчи олим А. Дамодаран [3] тадқиқотларига кўра, компаниянинг капиталини самарали бошқаришда қарз капитали ва хусусий капитал қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Шунингдек, олим хусусий капитал миқдорини аниқлаш ва уни самарали бошқаришда компания капиталлида хусусий капиталнинг улуши қисмини назарда тутган. Бундан ташқари, қарз капитали миқдорини аниқлашда эса, компания капиталлида қарз капиталининг улушини инобатга олган.

Булардан ташқари, маҳаллий иқтисодчи олим Р.Х.Карлибаеванинг [4] тадқиқотларига асосан, капитал таркибини баҳолаш ва уни компания капиталини самарали бошқаришда хусусий капитал ва қарз капитали нисбатлари орқали ифодаланишини таъкидланган бўлиб, хусусан, муаллифнинг фикрига кўра қарз капитали қийматини минималлаштириш хусусий капитал рентабеллигини ошиши билан изоҳлайди.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли,

эмпирик тахлил ва бошқа услублардан фойдаланилди.

### Тахлил ва натижалар

Айланма капитал ХЮС айланма (ўзгарувчан, мобил) актив-ларига аванслаштирилган капитал қийматини ўзида ифодалайди. Бу капитал ХЮС баланснинг акс еттирилади. Одатда, айланма капитал қуйидаги бир неча асосий гуруҳларга классификация қилинади:

- такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок етишини хи-собга олган ҳолда функционал мўлжалланганлиги бўйича;
- шакллантириш ва молиялаштириш манбаларига кўра;
- ливидлилик даражасига қараб.

Айланма капиталнинг бошқа қисми пулли кўринишда шакллантирилади ва айланма фондларнинг иқтисодий элементларига пулли капитални доимий аванслаштириш кўринишида доиравий айланишда бўлади. Пул маблағларининг доиравий айланиши ХЮС томонидан ишлаб чиқаришга зарур бўлган моддий ресурслар қий-матининг тўланиши билан бошланади ва шу харажатларнинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушум кўринишида қайтиши билан тугалланади.

Доиравий айланиш жараёнида айланма капитал доимий қиймат категорияси сифатида сақланиб қолсада, ўз таркибий қисмларининг функционал шакллари узлуксиз равишда қуйидаги кетма-кетликда ўзгартиради: пул маблағлари – хом ашё ва материаллар захиралари – тайёр маҳсулот – дебиторлик қарзлари – тушум кўри-нишида тушадиган пул маблағлари. Бунда айланма капитал компа-ния молиявий ҳолатининг ўлчовчиси ва тартибга солувчиси ҳисобланади.

Айланма капиталнинг фойдаланиш самарадорлигини тавсиф-ловчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар айланма маблағлар айлани-шининг сони ва айланма маблағлар бир марта айланишининг узок-лиги ҳисобланади ва улар қуйидагича аниқланади[5]:

$$A_{ма} = T : K_y,$$

$$Y_{1a} = K_c : A_{ма}$$

Бу ерда:  $A_{ма}$  – айланма маблағларнинг айланувчанлиги;  $T$  – реализациядан олинган тушум;  $K_y$  – айланма маблағларнинг йиллик ўртача қолдиғи;  $Y_{1a}$  – айланма маблағлар бир марта айланишининг узунлиги;  $K_c$  – тахлил давридаги кунлар сони.

Соф айланма капитални бошқаришнинг натижалелигини соф айланма капиталнинг айланиш коэффициенти характерлаб беради ва у қуйидагича аниқланади[6]:

$$K_a = T_c : C_{ак}$$

Бу ерда:  $K_a$  – соф айланма капиталнинг айланиш коэффициенти;  $T_c$  – реализациядан олинган соф тушум;  $C_{ак}$  – соф айланма капиталнинг ўртача қиймати.

Айланма маблағларни бошқаришда уларни ликвидлилик дара-жаси бўйича структуризация қилиш муҳим аҳамиятга ега. Бу мақ-садлар учун ликвидлиликнинг қуйидаги икки кўрсаткичидан фаол фойдаланилади:

- жорий ликвидлилик коэффициенти;
- абсолют ликвидлилик коэффициенти.

Бозор иқтисодиёти шароитида айланма капиталдан фойдаланишнинг самарадорлиги

жуда кўп омиллarga боғлиқ. У, енг аввало, тўлов интизомининг аҳволи, айланма маблағларнинг турли функ-ционал элементларига жойлаштирилган қўйилмаларнинг ҳажми билан белгиланади. Шунингдек, ишлаб чиқариш соҳасида айланма капиталдан самарали фойдаланишга ишлаб чиқаришнинг чиқит-ларсиз юқори технологияларга асосланганлиги, материаллар қийма-тининг пасайиши, ишлаб чиқариш ва муомала харажатларининг минималлаштириш, ишлаб чиқариш захиралари ва уларнинг ҳарака-тини оқилона ташкил қилиш ҳамда натижали бошқарув меъёрлаш-тиришни ҳисобга олган ҳолда), албатта, ўз таъсирини кўрсатади.

Корхонада мураккаб вазифаларни ечиш ва автоматлаштирилган бошқариш тизимларининг қўлланилиш соҳасини кенгайтириш вақтида ишлаб чиқариш жараёнларини тузилмавий ташкил этиш ва формаллаштириш амалиёти ижрочилар жамоасини корxonанинг ягона комплекслашган ахборот тизими (КАТ) концепцияси асосида ягона бошқарувчи ва ахборотлашган жамиятда фаолият кўрсатувчи ягона мувофиқлаштирувчи органга бирлашиши зарурлигини тақозо этади. Корхона катни қуриш ва татбиқ этиш жараёни стратегик ёндашувга асосланган бўлиб, қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади: КАТ концепциясини ишлаб чиқиш, корхона бизнес-жараёнларини таҳлил қилиш, татбиқ этиш, бизнес-жараёнлар реинжиниринги, эксплуатация қилиш ва ривожланиш. Ушбу босқичларда КАТ концепцияси асосий замин тайёрловчи ҳужжат ҳисобланади. КАТ концепцияси ахборот тизимини тасаввур этишни, унинг мақсадлари, таркиби ва ягона ахборот муҳити доирасида фаолият кўрсатишини ифода этувчи асосий тамойиллар мажмуаси ҳисобланади[7].

#### **Хулоса ва таклифлар**

Корхона капиталини шакллантиришда хорижий тажрибаларни қўллаш, яъни асосан корхона ўз капитални эвазига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали корxonанинг ўз маблағлари ликвидлигини ўсишини барқарор тарзда таъминлаш лозим.

Корхона капиталини оширишда қисқа муддатли қимматли қоғозларни эмиссия қилиш орқали унинг ҳажмини ошириш керак, яъни инвестицияларни жалб қилиш эвазига асосий фаолият кўламини кенгайтириш ва шу аснода акциядорлик жамиятлари капитал самарадорлигини таъминлашни кўзда тутати. Корxonанинг капитални бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида, молиявий натижалар қисмида юқори таъсирчанлик имкониятига эга бўлган бошқа операцион харажатлар ва сотиш харажатларини қисмини камайтириш орқали самарадорликнинг муҳим омили бўлмиш сой фойда ҳажмини кўпайтириш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сонли Фармониغا 1-илова. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Modigliani F, Miller M.H. 1958. The cost of capital, corporation finance and the theory of investment. The American Economic Review, Vol. 48, No. 3. - pp.261-97.
3. Damodaran, A. (2006). «Investment Valuation». New York: McGrown-Hill. – pp.710.; Damodaran, A. (2012). «Investment valuation: Tools and techniques for determining the value of any asset». Wiley; 3 editions. -pp-992.
4. Karlibaeva R.X. Aksiyadorik jamiyatlarida moliyaviy menejment tizimini samarali tashkil etish yo‘llari. I.f.n. il.dar. disser. avtoref. –Т.: 2007. -30 b.
5. Richard Breyli, Styuart Mayers. Prinsipii korporativnix finansov.ettinchi nashr. –Moskva: 2015. -212 b.
6. Burxanov A.U., Hamdamov O.N. Molyaviy menejment. Darslik. -Т.: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2020. -210-bet
7. Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Методологические аспекты влияния информационного общества на инновационное развитие экономики. Монография. – Ташкент: Фан ва технологиялар. 2016. – 134 с.
8. Avazov Ilkhom. CONSOLIDATED FINANCIAL REPORTING AND AUDIT QUALITY IMPROVEMENT ISSUES //Web of Discoveries: Journal of Analysis and Inventions. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 6-12.
9. Avazov Ilkhom Ravshanovich Aspects of Financial Reporting Transformation Based on International Standards //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2023. – Т. 3. – №. 4. – С. 1-5
10. Avazov Ilkhom Ravshanovich Aspects of Financial Reporting Transformation Based on International Standards //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2023. – Т. 3. – №. 4. – С. 1-5